

---

## **ДОЛЗАРБ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИ ОСТИДА ДОЛЗАРБ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИ ОСТИДА**

✓Халқ депутатлари туман Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология бўйича доимий комиссияси аъзолари ҳамда бир гуруҳ фаол депутатлар иштирокида Фурқат тумани “Довут Томоша” ММТП ҳудудидаги фермер хўжаликларида бугунги кундаги долзарб агротехник тадбирларни бажарилиши бўйича ўрганишлар ўтказилмоқда.

✓Жумладан, Лазизбек Фаррухбек“, “Қурилтойлик Олимов Фаррухбек“, “Тулпор изи“, “Бахорой Шахинабону“, “Сарварбек ўғлони“, “Асилбек Аюбхон Аббосбек” ва бошқа фермер хўжаликларида ўтказилган ўрганишлар давомида пахта майдонлари бегона ўтлардан қисман тозаланганлиги ва чеканка тадбирлари чала қилинган майдонлар аниқланди.

✓Аниқланган камчиликларни жойида бартараф эттириш чоралари кўрилмоқда. Ўрганиш ишлари давом этмоқда.

© **Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ**

---

2021-08-10 22:28:33